

# Turkiston

1925-yildan chiqa  
boshlagan

«Kamolot» yosolar ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

[www.turkiston.uz](http://www.turkiston.uz)

2013-yil 26-oktabr, shanba  
№ 82 (15720)

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида, қолаверса, бутун юртимиз ҳаётида қувончли бир воқеа, яъни, мамлакатимиз пахтакорлари 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд хирмон бунёд этиб, катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Ватанимиз тараққиёти йўлида, иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантиришида, халқимизнинг ҳаётини янада фаровон ва обод қилишда, ҳақиқатан ҳам, катта ҳисса бўлган бу улкан ютуқ билан авваламбор пахтакорларимизни, барча қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини чин қалбимдан самимий муборакбод этишдан хурсандман.

Бу юксак марра пахтачилик ишига ўз ҳаётини бағишишаган, ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган дехқон ва фермерларимизнинг, ушбу соҳага дахлдор олим ва мутахассисларнинг ўта мураккаб ва машиқатли меҳнати натижаси, том маънода мардлик ва матонат намунаси эканини халқимиз яхши билади ва юксак баҳолайди.

Пахтани ўстириш, уни парвариш қилиш, мўлҳосил етиштириш билан таниш бўлган ҳар қайси одам бу иш нақадар оғир меҳнат талаб қилишини, бунинг учун йил давомида, биринчи навбатда, ер ва уруф тайёрлаш, кунни — кун, тунни — тун демасдан, ҳар туп кўчат устида парвона бўлиш, шунингдек, об-ҳаво инжиқликлари, касаллик ва зааркунандалар етказадиган зиёнлар ва бошқа турли муаммоларни бартараф этиш — буларга фақат иродаси мустаҳкам, ўз касби ва меҳнатини севган инсонларгина қодир эканини англайди, тушунади.

Бу йилги мавсумни оладиган бўлсақ, апрель ойида ҳаво ҳароратининг меъёрдан сезиларли даражада паст бўлгани, сурункали ёмғир ва жала туфайли чигит экиш 5-7 кунга кечикиб кетгани, май ойида 20-25 кун давомида тупроқда намлик миқдори ортиб, чигитнинг униб чиқиши ва фўза ривожини деярли тўхтатиб қўйганини ҳаммамиз яхши эслаймиз. Июль-август ойларида эса ҳарорат одатдагидан 8-10 даражажа юкори бўлгани, жанубий вилоятларимизда жазира маисиқ 45-50 даражага етгани, кўзни очирмайдиган гармсел, кучли шамол ва бўронлар кузатилгани, турли зааркунанда ва касалликлар кўпайгани, табиийки, фўза ривожига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосил тақдирини хавф остида қолдири.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, пахтакорларимизнинг бу йилги мавсумда, ана шундай кескин ва мураккаб вазиятда эришган юксак марра ва натижаларининг аҳамияти ва қадр-қиммати янада ортади ва ҳар қанча таҳсин ва тасанноларга арзиди, албатта.

Шу борада беихтиёр одамнинг хаёлига келадиган бир фикрни айтиб ўтишни ўринли, деб биламан. Пахта азал-азалдан оқлик, оқ рангнинг тимсоли сифатида эътироф этилади. Оқ пахтани фақат оққўнгил одамларгина етиштиради. Таъбир жоиз бўлса, пахта нафақат оқ рангнинг рамзи, балки фидокорона меҳнатнинг маҳсули десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

(Давоми 2-бетда)



ЎЗА сурʼатлари

## МДҲНИНГ МИНСК САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24-25 октябрь кунлари Минск шаҳрида бўлиб, МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигининг саммитлари 20 йилдан ортиқ вақт давомида давлатлараро аҳамиятга молик муҳим масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алманиш, ўзаро маъқул қарорлар қабул қилиш мақсадида очиқ маслаҳатлашиш учун кулаги мулокот майдони вазифасини ўтаб келмоқда.

Минск учрашувида Ҳамдустлик фаолиятини янада таомиллаштириш, аъзо мамлакатлар ўртасида сиёсий, савдо-иктисодий, сармоявий, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентлар минтақавий ва халқаро муаммолар, хусусан, терроризм, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроф контрабандаси каби таҳдидларни бартараф этишда ҳамкорлик борасида фикр алмашдилар.

Афғонистондаги вазият ҳақида сўз борар экан, 2014 йилда халқаро коалиция кучлари бу мамлакатдан чиқарилиши хавфсизлик-

ни таъминлаш борасидаги муштарак саъӣ-харакатларни янада фаол мувофиқлаштиришни тақозо-з қилиши таъкидланди.

Ислом Каримов Ҳамдустлик мақонида терроризм ва экстремизм-ғоялари кириб келишига йўл қўймайдиган муҳитни шакллантириш, бу иллатларнинг олдини олишда фақат уларнинг ўзи эмас, манбаларига қарши курашиш зарурлигини қайд этди. Ўзбекистон раҳбари бу борада ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият каబ этишини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Афғонистондаги вазият ҳақида тўхтабиб, бу муаммонинг ҳарбий ечиши йўқ эканини, куролли можарога муроса ва музокаралар билан барҳам бериш мақсадга мувофиқ эканини қайд этди.

Давлат раҳбарлари МДҲ доирасидаги савдо-иктисодий муносабатларга доир масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Маълумки, бу йўналишдаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида 2011 йилда Эркин сав-

до зонаси тўғрисидаги шартнома имзоланган. Президент Ислом Каримов тўлақонли эркин савдо зонасини барпо этиш энг устувор ва муҳим вазифалардан бири эканини таъкидлади. Зеро, дунёдаги кўплаб мамлакатлар молиявий-иктисодий инқирозни бошдан кечирган ва унинг асоратларини бартараф этаётган ҳозирги шароитда мукаммал эркин савдо зонасини шакллантириш ишлаб чиқариши рағбатлантириш, ишибилармон доираларнинг ўзаро ишончини янада мустаҳкамлаш, кўшма иқтисодий дастурларнинг вақтида ижро этилишини таъминлаш каби қатор иқтисодий самаралар беради.

Президентлар маданий-гуманитар ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиб, 2014 йилни МДҲда Сайёхлик илини деб эълон килишига келишиб олдилар.

Давлат раҳбарлари жиноятчилик, одам савдоси, наркобизнес, терроризмга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисидаги дастурларни тасдиқладилар.

Ҳамдустликка раислик 2014 йилдан Украина га ўтади.

Анвар БОБОЕВ,  
ЎЗА махсус мухбири  
Тошкент – Минск – Тошкент.

# ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли юртдошлар!

Ҳеч кимга сир эмас, дехкончиликда, айниқса, бизнинг Ўзбекистон шароитида тупроғимиз, еримиз сифатини инобатга оладиган бўлсак, ҳар қандай ҳосилнинг энг катта, ҳал қилувчи омили — бу экин майдонларининг мелиоратив ҳолатидир. Кейинги беш йил мобайнида маҳсус давлат дастури асосида мамлакатимиз бўйича салкам 1 триллион сўм маблағ сарфланиб, 1 миллион 460 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилангани қишлоқ хўжалиги соҳасида мўл ҳосил етишириш, жумладан, ўтган шу даврда пахтачиликда ҳосилдорликни 24 центнердан 26,4 центнерга етказиш учун замин яратиб берди.

Мустақиллик йилларида ҳар бир худуднинг тупроқ ва иклим шароитига мос, эртапишар ва серҳосил фўза навларини яратиш, селекционер олимларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ишларимиз туфайли ўнлаб истиқболли янги навлар яратилиб, амалда жорий этилгани соҳа ривожида салмоқли қадам бўлганини қайд этиш зарур.

Бу йилги мавсумда вужудга келган мураккаб муаммо ва қийинчилкларни бартараф этиш учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ куч ва имкониятларни сафарбар этишга тўғри келди. Бунинг тасдигини аввало омилкор дехқонларимизнинг интенсив агротехнологияларни самарали қўллагани, фўза қатор оралари ҳар йилгидан 3-4 марта кўп, ўртacha 7 марта культивация қилингани, суғориш ишлари шарбат усулида олиб борилиб, гектарни

га 10 тоннадан, жами 10 миллион тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани мисолида кўриш мумкин.

Шулар қаторида кейинги йилларда шаклланган самарали тизим асосида фермер хўжаликлари имтиёзли кредитлар ва техника билан таъминлангани, зарур уруғлик, маҳаллий ва минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари бевосита даланинг ўзига етказиб берилгани, йиғимтерим жараёни уюшқоқлик билан ташкил этилгани етиширилган мўл ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, унинг 90 фоиздан ортигини юқори сортларга топшириш имконини берди.

Айниқса, дефолиация ишлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилгани, кейинги йилларда бу агротехник тадбирнинг нақадар маҳум эканини фермерларимиз чуқур англаб етгани ва бу борадаги ишлар тизимли равишда олиб борилаётгани фўза ривожида бирмунча кечикиш кузатилган жорий йилда ўзининг аниқ самарасини кўрсатди.

Энг маҳими, инсон омилига катта этиб берилаётгани, қишлоқ аҳлиниң ўз меҳнатидан манфаатдорлиги, ўз ерига эгалик ва масъулият ҳисси, эртанги кунга бўлган ишончи, даҳлдорлик тўйуси тобора ортиб, онгу тафаккури юксалиб бораётгани бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга кўшиласиз.

Ишни оқилона ва самарали ташкил этиб, ўз шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб адо этган Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Андижон, Фарғона, Бухоро вилоятлари,

барча вилоятларимиз меҳнаткашлари мамлакатимизнинг юқсак пахта хирмонига муносиб хисса қўшганини миннатдорлик билан таъкидлашни истардим.

Айниқса, Амударё, Элликкальъа, Шаҳриён, Тошлоқ, Учкўприк, Ўзбекистон, Вобкент, Қарши, Навбаҳор, Ўйчи, Поп, Нарпай, Шеробод, Кумкўргон, Бўка, Гурлан туманлари дехқон ва фермерлари белгиланган режани 20-25 иш кунида бажариб, кўпчиликка ўрнак ва намуна бўлдилар.

Юртимиздаги минглаб илғор фермер хўжаликлари қаторида Қамаши туманидаги «Ашур ота», Муборак туманидаги «Олам», Навбаҳор туманидаги «Мартабали», Намангандуманидаги «Олтин замин ифтихори», Каттакўргон туманидаги «Ҳосил», Пахтакент туманидаги «Умид Шарипова», Сирдарё туманидаги «Адолат момо», Риштон туманидаги «Гулбод юрт», Амударё туманидаги «Улубек Ўрзобоев», Элликкальъа туманидаги «Рўзимбай бобо», Олтинкўл туманидаги «Нур-зиё кўзи» сингари фермер хўжаликлари ҳосилдорликни гектаридан 45-60 центнерга етказиб, фермерлик ҳаракатининг катта имкониятларини, ўзбек дехқони қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор исботлаб бердилар.

Айни вақтда бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг тадрижий мантиқи, ҳаётнинг ўзи фермерлик ҳаракатини янги, юқсак босқичга кўтаришни тақозо этаётганини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бу борада соҳа ривожи учун янги имкониятлар туғ-

дириб бериш, унинг самарадорлигини ошириш, ерни том маънода ҳақиқий эгасига топшириш, агарро соҳада ўзига хос мактаб яратган илғор фермерларнинг иш тажрибасини ёшларга ўргатиш, замонавий билим ва маҳакага эга бўлган янги фермерлар авлодини тарбиялаш каби ўта муҳим вазифалар этиборимиз марказида туриши зарур.

Хурматли юртдошлар!

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг пировард натижаси дехқонларимизнинг ўз меҳнатидан муносиб даромад олиши, аҳолимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини оширишдек ёзгу мақсад билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу маънода, мустақиллик йилларида мамлакатимизда пахта толасини юқсак технологиялар асосида қайта ишлаш, уни қўшимча қўйматга эга бўлган маҳсулот сифатида экспорт қилиш ҳажми ортиб бораётганини дикъатга сазовордир.

Агар 90-йилларда юртимизда етиширилган жами пахта толасининг атиги 7 фоизи ўзимизда қайта ишлантан бўлса, ўтган давр мобайнида бу рақам қарийб 6 баробар ортиб, ҳозирги вақтда салкам 40 фоизни ташкил этмоқда. Бу ўз навбатида олдимизда турган турли муаммоларни ечиш, минг-минглаб юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизни замонавий иш жойлари билан таъминлаш, аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш имконини бераетганини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра бу йил пахтачиликдан олинадиган ялпи даромад ўртacha 3 триллион 100 миллиард сўмдан зиёд ёки ўтган ийлга нисбатан 23 фоиз кўп бўлиши кутилаётгани дехқон ва фермерларимизнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини кучайтириш, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ва бошқа умуммиллий дастурларимиз доирасида белгилаб олган вазифаларимизни амалга оширишга хизмат қилиши билан айниқса этиборлидир.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугунги хурсандчилик кунда сиз, фидойи дехқон ва фермерларни, сувчи ва механизаторларни, агроном ва селекционерларни, мутахассис ва мутасаддиларни, Ўзбекистонимизнинг юқсак пахта хирмонига муносиб хисса қўшган барча инсонларни бағримга босиб, яна бир бор табриклар эканман, сизларга қалбимда, юрагимда бўлган ҳурмат-эҳтиромим ва ёзгу тилакларимни изҳор этаман.

Мана шундай шукухли дамларда биздан марҳаматини дариф тутмасдан, ўз паноҳида асрар келаётгани, доимо йўлимиши очиб бераетгани учун Яратганимизга шуқроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Эл-юртимиздан, хонадонларимиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик аримасин! Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим, қадрдонларим!

**Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## УЛКАН ЗАФАР МУБОРАК!

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги кенг нишонланган жорий йилда пахтакорларимиз 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд пахта хирмони бунёд этиб, шартнома мажбуриятини ошириб бажардилар.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигидаги амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон пахтасининг юқори сифати жаҳонда кенг этироф этилиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларига хориж бозорларида талаб тобора ортмоқда. Куни кечга Тошкентда ўтган IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида бу яна бир бор ўз тасдигини топди.

Ярмаркада дунёning кирқдан ортиқ мамлакатидан пахта ва тўқимачилик соҳаси компанияларининг мингдан зиёд вақили иштирок этди. 680

минг тоннадан ортиқ Ўзбекистон пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди. Мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарининг маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қўймати 1 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдордаги шартномалар имзоланди.

Жорий йилда тажрибали дехқон ва фермерларимиз, барча қишлоқ меҳнаткашлари фидокорона меҳнат қилиб, шартнома мажбуриятини ёғин-сочинли кунларга қолдирмай адо этдилар ҳамда юқсак сифатли пахта хомашёси тайёрлашга муваффақ бўлдилар. Етиширилган ҳосилнинг 90 фоиздан ортиғи юқори навларга

топширилди. Эришилган бу улкан фалаба Ватанимиз иқтисодий қудратини, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, мамлакатимизни обод этишга хизмат қиласи.

Жорий йилги мавсум ҳам пахтакорларимиз учун катта синон бўлди. Баҳорнинг серёмғир, ёзинг ногай жазира маҳаллий агротехника тадбирларини ҳар қачонгидан кўпроқ ва сармалари ўтказишини тақозо этди. Соҳага илғор технологияларни кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш борасидаги изчил ишлар бу йилги муваффақиятларда муҳим аҳами-

ят касб этди. Жорий йилда янги чопиқ ва транспорт тракторлари, тиркамалар, культиватор ва чигит экиш агрегатлари, пуркагичлар, занжирли ҳайдов тракторлари етказиб бериш ва уларнинг аксариятини фермерларга лизинг шартномаси асосида ишларни тақозо эттирилди.

Пахта теримини механизациялаштиришни янада кенгайтиришга алоҳида этибор берилмоқда. Жорий мавсумда мамлакатимиз пахта далаларида «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган МХ-1,8 модернизациялан-

ган пахта териш машиналари иштирок этгани бунинг тасдигидир. Фойдаланиш жуда кулий, ишончли, ҳосилнинг 90 фоизигача

тўлиқ тера оладиган, хорижда ишлаб чиқарилган мукобилига нисбатан бир неча баробар арzon бўлган минг дона тақомиллаштирилган ана шундай пахта териш машинаси ҳосилни теришда қўл келди. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, жорий йилда чигитнинг энг яхши сифат кўрсаткичи бўлмиш биринчи синфидан кенг фойдаланилган. Бу жами уруғлик чигит сарфири иккиси баробар камайтириш имконини берди. Асосий майдонларда истиқол йилларида юртимиз олимлари яратган худудлар иқлим шароитига мос, ингичка ва ўрта толали фўза навлари

парваришиланди. «Бухоро-6», «С-6524», «Наманган-77», «Ан-Боёвут-2», «Бухоро-8», «Бухоро-102» навлари шулар жумласидандир.

— Бу йил қабул пунктига 413 тонна сифатли пахта хомашёси топширилди, — дейди Дўстлик туманидаги «Эшниёз бобо» фермер хўжалиги раҳбари Муртазо Бўтаев. — Туманимиздаги беш юздан зиёд фермер хўжалигининг иккиси юздан ортиғи биринчи териимдаёт шартнома мажбуриятини адо этди. Бу Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, фермер ва дехқонларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини янада оширишга қаратилаётган юқсак этиборнинг сармаларидандир.

ЎЗА

# Янги маҳсулот, янги иш ўрни яратувчиси

**Бир пайтлар 20-25 ёшли йигит ёки қизнинг  
бизнес билан шуғулланиши ҳеч кимнинг  
аклига сифас, умуман, тадбиркорлик дега-  
ни камдан-кам одамнинг дунёқарашига мос  
тушунча бўлган.**

Бугун эса юртдошлари-  
мизнинг дунёқараши ўзгарди.  
Энди биз жаҳон миқёсида  
да ўйладиган бўлдик. Кейинги йилларда ёш тадбир-  
корлар, бизнесга иқтидори  
бор, билимли тенгдошлари-  
миз тадбиркорлик майдонига  
чиқишиди.

Албатта, ҳар бир иш ўз-ўзи-  
дан бўлавермайди. Ташаббус-  
кор, ишбилармон, бир сўз билан  
айтганда, ишнинг кўзини  
билидиган, таклиф ва талабни  
яхши ўрганганд тадбиркор-  
нинг фаолияти бардавом бўлади.  
Шу боис, мамлакати-  
мизда ёшларнинг ўз тадбир-  
корлигини ташкил этиши учун  
кенг имкониятлар яратилмоқда.  
Тижорат банклари мута-  
хассислари иштирокида жой-  
ларда семинарлар ўтказилиб,

уларга режа тузишдан бизнес  
юритишгача бўлган барча жа-  
раёнларда иқтисодий, хукукий,  
моддий ва маънавий кўмак бе-  
рилмоқда, зарур миқдорда  
сармоя ажратилмоқда.

Бу борада «Камолот» ёшлар  
ижтимоий ҳаракатининг «Ёш  
тадбиркор — юртга мададкор»,  
«Ёш тадбиркор — келажакка  
пойдевор» ҳамда «Менинг биз-  
нес fojam» танловлари мухим  
аҳамиятга эга. Ушбу танловлар  
орқали ёш тадбиркорлар им-  
тиёзли кредитлар олишмоқда.  
Мухими, кредит фоиз ставка-  
лари «Камолот» ёшлар ижтимоий  
ҳаракати Марказий Кен-  
гаши томонидан тўлаб берилади.  
Шу сабаб мазкур тан-  
ловларда қатнашиш истагини  
билдираётган ёшлар сони  
йилдан йилга ортиб бораётпти.

Бунинг натижасида, ёш тад-  
биркорлар сафи тобора кен-  
гаймоқда. Бу йилги «Менинг  
бизнес fojam» танловида тад-  
биркорлик фаолиятини йўлга  
кўйиш истагида бўлган академ-  
ик лицей ва касб-хунар кол-  
лежларининг 48 мингга яқин  
битириувчилари иштирок этди.  
Улар учун жойлардаги «Ёш  
тадбиркор» консультатив мар-  
казлари томонидан тадбир-  
корлик кўнгималарини шакл-  
лантиришга доир ўқув семинарлар  
ташкил қилинди.

— Тадбиркорлик билан шу-  
гулланиш учун кредит олиш  
истагида юрганимда «Менинг  
бизнес fojam» танловидан ха-  
бар топдим, — дейди самар-  
қандлик ёш тадбиркор Мурод  
Аҳмедов. — Шундан сўнг биз-  
нес режа тузиб, танловнинг  
сараплаш босқичларида қат-  
нашим. Бунда «Камолот»  
ёшлар ижтимоий ҳаракати  
қошидаги «Ёш тадбиркор»  
консультатив маркази мута-  
хассислари томонидан ўтка-  
зилган ўқув семинарлар қўл

келди. Танловнинг республи-  
ка босқичида «Қишлоқ жой-  
ларда хизмат кўрсатиш соҳа-  
сидаги энг яхши бизнес fojam»  
номинацияси голиби бўлдим.  
Энди Октош шахридаги «Мик-  
рокредитбанк» филиалидан уч  
миллион сўм имтиёзли кредит  
олиб, шахримиз ахолисига  
компьютер хизматларини  
кўрсатишни бошлайман.

Бугун ҳар қайси тадбиркор  
иш фаолиятини ривожланти-  
риш, янги тармоқларни  
йўлга кўйиш учун исталган  
банқдан кредит олиши мум-  
кин. Бу ҳам мамлакат иқти-  
содиётининг барқарорли-  
гидан далолатdir. Мамлака-  
тимиз иқтисодиётининг бар-  
қарор ривожланиши эса,  
аҳолининг турмуш фаровон-  
лигини янада оширишда му-  
хим омил бўлмоқда.

Юртимизда мана шундай  
имкониятлардан фойдаланиб,  
ўз маҳсулотларини экспорт  
қилаётган тадбиркорлар сони  
ҳам кўпайиб бораётпти. Прези-  
дентимизнинг 2013 йил 8 ав-

густдаги «Кичик бизнес ва ху-  
сусий тадбиркорлик субъектлари  
экспортини қўллаб-кув-  
ватлаш борасидаги қўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида»ги  
қарори улар учун янада кенг  
имкониятлар яратмоқда.

Президентимизнинг Ҳалқ  
депутатлари Қашқадарё вило-  
яти кенгашининг навбатдан  
ташқари сессиясида «Ўз хусу-  
сий ишимни очиб, нафақат  
ўзимни, оиласми бўқаман, эл-  
юргта ҳам наф етказаман, деб  
ҳаракат қилаётган одамлар-  
нинг йўлига, тадбиркорлик  
йўлига фов бўлиш — бу давлат  
сиёсатига, Президентнинг  
сиёсатига қарши чиқиш, деб  
баҳоланиши керак», деган  
гаплари бугун тадбиркорлар,  
жумладан, ёш тадбиркорлар-  
ни ҳам ишга, меҳнат қилишга  
рафбатлантироқда.

Чиндан ҳам, ўзига, оиласи-  
га, юргига фойда келтиради-  
ган ҳар қандай тадбиркор учун  
барча имкониятлар яратилиши  
зарур. У нафақат янги маҳ-  
сулот тайёрлади, шу билан  
бирга, янги иш ўринларини  
очиб, ёшларнинг бандлигини  
ҳам таъминлади.

**Азизбек ТОШТЕМИРОВ,  
ЎзДЖТУ талабаси**



«YANGI AVLOD — 2013»

**Болалар истеъдодларини  
қўллаб-кувватлаш ҳамда  
юзага чиқаришда катта имко-  
ният майдони саналган «Янги авлод» бола-  
лар ижодиёти фестивалининг бу йилги  
беллашувлари Бухорода ҳам кўтаринки  
руҳда ўтди. Танловнинг туман ва шаҳар  
босқичларида 2039 нафар ўғил-қиз ўз  
истеъдод ва маҳоратини синовдан ўтказди.**

## ИҚТИДОРЛИЛАР САРАЛАНДИ

Вилоят мусиқали драма театри ҳамда Бухоро санъат  
колледжидаги ўтказилган вилоят босқичи беллашувларида  
413 нафар ўғил-қиз қатнашиди. Олти йўналишда ишти-  
рок этганлар орасидан саралangan энг истеъдодли бо-  
лажонлар фестивалнинг республика босқичида қатнашиш  
хукукини қўлга киритди.

Танловда ака-ука Мироншоҳ ва Яхёбек Нуруллаевлар тор-  
ли ва зарбли ҷолгуларда маҳоратларини намойиш этди.  
Рақс йўналишида қатнашган олти ёшли қизалоқ Нозанин  
Шодиеванинг буҳороча рақси томошабинлар олқишига са-  
зовор бўлди. Шунингдек, мазкур йўналишда Гўзал Адизо-  
ва, Лолитта Асадова ҳамда «Rainbow» гурухи аъзолари  
ғолибликка эришди. Тасвирий ва амалий санъат йўнали-  
ши бўйича Шаҳзод Умидов, Мавлудабону Раҳимова, Ҳади-  
чабону Баракаева, Асилбек Юсуповнинг ижодий ишлари  
юқори баҳоланди. Назм ва наср йўналишида қатнашган  
Шамсиқамар Шарипова ҳамда Нурмуҳаммад Омонов ижо-  
ди тенгдошлари орасидан энг муносиб, деб топилди.

**Лайло ҲАЙИТОВА,  
«Turkiston» мухбири**

## ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИНГ ЧИНАКАМ ТАНЛОВИ

«Янги авлод» болалар  
ижодиёти фестивали  
Сурхон воҳасида ҳам  
катта қизиқиши билан  
ўтказилмоқда.

Ангор туманида бўлиб  
ўтган танловда қатнашган  
ёшлар вокал, миллий ҷолгу  
асблоблари, рақс, тасвирий ва  
амалий санъат, адабиёт йўна-  
лишлари бўйича синовдан  
ўтишиди. Танловда олти

ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган  
120 нафарга яқин ижодкор  
ёшлар иштирок этди. Улар-  
нинг ўн беш нафари танлов-  
нинг вилоят босқичига бора-  
диган бўлди.

Қизирик туман маданият уй-  
ида ўтказилган «Янги авлод»  
болалар ижодиёти фестивалин-  
нинг туман босқичида 152 на-  
фар истеъдод эгаси маҳорати-  
ни намойиш этди. Танлов иш-  
тирокчisi Озода Суюнова назм

йўналиши бўйича иштирок  
этиб, ғолибликни қўлга киритди.

— Ушбу танловнинг навбатда-  
ги босқичига йўлланма олганим-  
дан хурсандман. Вилоят босқичи  
ҳам ғолибликни қўлга ки-  
ритиб, финал босқичида ишти-  
рок этиш ниятидаман, — дейди  
Озода Суюнова.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
«Turkiston» мухбири**

Mahalla va yoshlar

Ёшлар қалби ва онгидага Ватанга  
муҳаббат, фарҳ ва ифтихор туйғусини  
шакллантириш, ота-боболаримизнинг  
эзгу тояларини ёш авлод қалбига синг-  
дириш мақсадида «Камолот» ёшлар  
ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти  
кенгаши «Маҳалла» хайрия жамоат  
фонди ҳамкорлигида муқаддас қадам-  
жоларда, хотира майдонлари ҳамда  
қабристонларда ободонлаштириш  
ишларини ташкил этмоқда.

## Эзгулик ўйлида

Туман ва шаҳарлардаги мавжуд қабристонларни  
ободонлаштириш бўйича Ҳаракат ходимлари ва фаб-  
олларидан иборат гурухлар тузилди. Ҳашар давоми-  
да ҳар бир гурухга кўнгилли ёшлар кўшилиб, қабри-  
стонлар ҳамда уларнинг атрофини чиқиндилардан  
тозалаб, дараҳтларга ишлов беришмоқда.

Ҳайрии ишдан четда қолиши истамаган Ҳа-  
ракатнинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашилари, бошлангич  
ташкилот етакчилари ҳамда сар-  
дорлари «Фамхўрлик» гурухини тузиди. Улар ҳам  
ободонлаштириш ишларида фоал қатнашмоқда.

Мана шундай ташаббускор, кўнгилли ёшлар  
иштирокида вилоятдаги 280 та қабристон, 12 та  
зиёратгоҳ ва олтита тарихий қадамжо ободонлаш-  
тирилди. Ҳашар ишларида ўн уч минг нафардан  
ортиқ ёшлар иштирок этди.

Қуйичирчик, Юқоричирчик, Паркент туманлари-  
да ҳам ибратли ишларга кўл урилди. Ҳаракатнинг  
вилоят кенгаши қошидаги сардорлар кенгаши  
аъзолари ушбу туманларда «Саховат» тадбири-  
ни ўтказишиб, кам таъминланган, бокувчисини  
йўқотган, ногирон, етим болалар ва ёлғиз қария-  
лар ҳолидан хабар олиб, ҳашар ўштиришиди. Бун-  
дай ҳайрии тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат  
фонди, туман ҳокимлари ва бир қатор ҳамкор  
ташкилотлар моддий ёрдам бериб, совғалар  
улашди.

Шунингдек, Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кен-  
гашилари томонидан маҳаллаларда истикомат  
қилувчи барча ёрдамга мухтоҷлар ҳолидан хা-  
бар олиш мақсадида «Муруват», «Саховат» ак-  
циялари ўтказилди. Жойларда ташкил этилган  
тадбир иштирокчилари учун меҳр-муруват  
акциясига доир адабиётлар тарқатилди.

**Ашурали БОЙМУРОД,  
«Turkiston» мухбири**



# ЖИФІЖ АККИШЛОҚ ЛАТИФАЛАРИ

Латифа деганда күз үнгімізга бириңиң бўлиб кулғы қаҳрамони Әсариддин Афанди келади. Афанди ким, қачон яшаган, асли қаерлик бўлган? Ёу каби саволларга олимларда турли жавоблар бор.

Узо-оқ ва машақатли «изланиши», күнларни тунга, тунларни кунга улаб қилингандан «тадқиқот»дан сўнг Эшимон Малла, Ўтирип Болта, Келди Қора бошилигидаги бир гурӯҳ «олим»лар бу саволга аниқ жавоб топди: «Афанди бу – халқнинг ўзи! Башқача айтганда, ҳар бир кўнгли тоза, кулгисевар инсоннинг юрагида битта Афанди яшайди!».

О, қандай файласуфона гаплар! Ўндағай гапдан кейин қувончдан одамнинг кўзига гилтислаб ёши келади. (Хаяжон «Шакарханда»га тегишили).

Қўйида тақдим  
эттилаётган воқеалар  
ҳам халқимиз  
орасидаги беғубор,  
оддий, оққўнгил  
одамлар  
ҳаётидан  
олинган.

## ЖОНИВОРНИ ҚУТҚАРИШ

Жинжакқишлоқлик Хушвақт бобо далада ишлар эди. У қўпинча кун ботгунча ишлар, кечқурун ўйга қайтар эди.

Ўша куни ҳам бобо одатига кўра, кеч салқинда ишини ундиради. Тўлин ой ёруғида қишлоққа кириб келар экан, Ниёзтепа (қишлоқ этагидаги тепалик) олдидағи кўрқудуқ (суви қуриб қолган қудуқ) ёнидан ўтаётуб, унда бир жуфт нарса йилтиллаётганини кўриб қолади. Шартта эшақдан тушиб, бўйлайди. Қараса, бир

кўзи -  
чоқми,  
улоқми,  
бир жонивор.

— Ҳа, бебахт-  
гина-я, қудуққа тушиб  
кетибсан-да, — дейди ҳайвонга,  
гарчи у инсон тилига тушун-  
маса ҳам. — Ҳозир, шошмай  
тур, ўзим сени қутқараман!

Бобо белбоғ, чопонини ечиб,  
енгилгина бўлиб қудуққа ту-  
шади. Қўзичоқми, улоқми, не-  
гадир, на маърайди, на бир то-  
вуш чиқаради.

— Жониворгина, қўркиб  
кеттансан-да, чуқурга тушиб, —  
дейди бобо ва қўзичоқми, улоқ-  
ними даст қўтартганча, тепага  
олиб чиқади. Қизиқ-қизиқ билан  
эшагига миниб, уни олди-  
га ўнгариб ҳам олади.

— Их, юр қани, тулпорим!  
Ўйга ўлжа билан борадиган



## Чиройли куладиганлар саҳифаси

ва диққат билан  
қараса, қўзичоқми,  
улоқми, ишқилиб, у  
қутқарган жо-  
нивор узун  
думи ерни  
супурганча  
миннга  
қўйиб дашт-  
га қараб кетаёт-  
ганиши.

— Ўйинг куйгур, тулки-  
ни қутқарган эканман, — деб  
кейинчалик гурунгларда айтиб  
юрар экан бобо, ҳаммани кул-  
дириб.

## ХОТИН ОЛИШ ОСОН ЭМАС

Шомурод ака Хушвақт бо-  
бонинг қуёви. Қуёвни қайноти-  
нинг тупроғидан яратади, де-  
ган ҳазилнамо гап бор-ку, Шо-  
мурод ака қайнотасига унчалик  
ўхшамайди-ю, лекин ҳазил-  
га мойиллиги, қизиқ гурунг бе-

ришлари бобога эн тортиб ке-  
тади.

Шомурод аканинг уйлани-  
ши ҳам қизиқ гапларга бой  
бўлган.

Бир куни бўлажак қайнота-  
куёв даштда ёнма-ён ишлаб  
қолишибди. Биласиз, ҳалқимизда тўйдан олдин бўла-  
жак келин ҳам, куёв ҳам бўла-  
жак қариндошларидан қочиб  
юради. Кўринишга ҳаё қили-  
шади. Аммо не баҳтки, тирно-  
вич (хаскаш)да сомон йигаёт-  
ган Шомурод ака ишга бери-  
либ кетиб, Хушвақт бобонинг  
ёнидаги пайкалга келиб сомон  
сицираётганини сезмай қолади.  
Нима қилсин, қочиб кетай  
деса, қишлоқнинг ярми далада,  
ҳамма бу манзарага кўз тикиб  
турибди, қолай деса, қайнота-  
нинг олдида уялмай тураве-  
риш ҳеч бир қобирғага тўғри  
келмайди.

Ердан қўзини узмай, иши-  
ни қилаверади.

Хушвақт бобо бўлса, бе-  
малол ишини қилаверар, ҳар  
замонда кампир тўлдириб  
берган «чопонли» (мато қоп-  
ланган) лимонад шишиасидан  
муздай сувни симириб қўяди.  
Шу тариқа қайнота-куёв (бу  
пайтда ёшлар унаштирилган  
эди) ярим соатлар ишлайди.  
Шундай бўладики, сомон  
сицириб-сицириб, куёв билан  
қайнота шундоқ рўпарама-  
рўпара келиб қолади ва  
Хушвақт бобо Шомурод ака-  
га қараб дейди:

— Хотин олиш ўйин эмас,  
Шомурод! Ишлаш керак, меҳ-  
нат қилиш керак, пул топиш  
керак! Ишлайвер ўғлим, ишлай-  
вер!..

**Латифаларни Элмурод  
оқизмай-томизмай  
Сизга етказди.**

## ЎЗ МАЪНОСИДА ТУШУНГАНДА...

Бизнинг саломлашишимиз, сўрашишимиз ҳам катта маросимга айланиб кетади. Бу аслида меҳр-оқибат ва хушмуомалаликдан. Шу боис, гарчи баъзан бир неча дақиқалаб бир-биримиз билан сўрашсак ҳам, малол келмайди. Фақат баъзи иборалар борки, қулоғимизга сингиб кетгани учун эътибор беравермаймиз-у, маъносига синчилаб қарасак, лабимизда табассум пайдо бўлади. Мана, масалан:

— Яхши ўтирибсизларми?

Шу гап кимга қаратага айтилган бўлса, яхшилаб қаранг, тикка турган бўлади. Ҳеч ўтирган одамни кўрмайсиз. Лекин биз сўрашаверамиз: «Қалай, яхши ўтирибсизми?..» Ҳазилкашроқ бўлса, жавоб бериши мумкин: «Ҳа, яхши турибмиз, ўзингиз-чи?..»

Йўлда уч-тўрт киши келаяпти. Бирининг ўйига яқинлашиб

қолганда, у ҳамроҳларига манзи-  
рат қилади:

— Юринглар, чой ичиб кета-  
сизлар.

Энди тасаввур қилинг, шу одамнигига фақат чой ичиш учун бурилиш мумкинми? Қолаверса, чойнинг бор-йўқлигиям ҳали номаълум. Эҳтимол, янга уйда йўқдир, болаларни олиб онасиникига меҳмонга кетгандир. Ёки уйда қуруқ чой тугаб қолган бўлса-чи? Лекин акахонимиз оғайниларини бариб шундай деб чақираверади: «Келинглар, чой ичамиз». Меҳмонни фақат чой билан алдаб жўнатмоқчи бўлади — курумсоқ!

— Болаларинг чопқиллаб юриб-  
дими?

Тўғри, бола деган шўх, ҳара-  
катчан бўлади, тушуниш мум-  
кин. Лекин у фақат чопиб,  
юргилаб юрмайди-ку? Уям

ухлайди, овқатланади, ўтиради.  
Тинимсиз чопқиллаб юрса  
чарчаб қолади-ку!

— Ҳаммага тиним бор, менга  
тиним йўқ, юрибман-да...

Ёлғон гап. Бунақа бўлиши ақлга сифмайди. Ҳаммага тиним бор эмишу, бунга тиним йўқ эмиш. Нима, у роботми ёки кеча-кундуз ишлайдиган заводдаги ускунами, тинимсиз ишлаб. Кузатсангиз, у ҳар куни кечқурун бошқаларга ўхшаб уйқуни уради. Ҳа, энди бошқалардан сал кўпроқ меҳнат қилса, қилар. Шунга осмон узилиб ерга тушибдими?

— Бизникигаям айланиб  
боринглар.

Тўғри борилса бўлмайдими?  
Нега «айланиб» бориш керак?..

«Тадқиқотчи»: Ўлмасбек

## TABASSUM

### ТИҚИЛИНЧ АВТОБУСДА

Афанди катта шаҳарга келди. Қараса, одам кўп, автобусларга чиқиш жуда қийин. Зўрга биттасига ўтириб, манзилига етиб олди.

Үйига келганда, қўни-қўшни-  
лар уникига чиқишиди. Бири  
сўради:

— Афандим, шаҳарда нима  
гаплар?

— Бе, — деди Афанди. —  
Шаҳар жуда қизиқ экан. Айниқса,  
эрталаб автобус лиқ тўла  
бўларкан.

— Йўғ-е, — ҳайрон бўлди  
ҳалиги киши. — Автобусга чи-  
қиш шунчага қийин эканми? Ту-  
шиш-чи?

— Иккөвиям осон, — деди  
Афанди кулиб. — Тушмайди-  
ган бўлиб чиқасан, чиқмайдиган  
бўлиб тушасан.

# Чертиб-чертиб ўқиўсиз

Ўқувчининг шахс сифатида камол топиб боришида ҳар бир фаннинг алоҳида ўрни бор. Жумладан, адабиёт ҳам инсон камолотида муҳим аҳамиятга эга. Ўн бир-үн олти яшар ўспирин ва ўсмирлар қалбидан инсоний фазилатларнинг шаклланиб боришида адабиёт фани ўзига хос маънавий озиқ вазифасини ўтайди. Даставвал, эртак, топишмоқ, масал каби жанрлар уни бу нафис сўз боғига ошно қилса, кейинчалик улуғ мутафаккир шоир ва адилларнинг ҳаёти ва ижоди билан танишиш, асарларини мутолаа қилиш жараённида унинг кўнглида бошқа эзгу ҳис-туйгулар камол топиб боради.



Мана шундай нозик даврда, ёшлар қалбидан юрга мөхр ва садоқат, ота-она, қариндош, умуман, инсонларга нисбатан мөхр ва ҳурмат, дўстлик туйгулари билан биргалиқда яна бир муҳим нарса борки, уни шакллантиришда ўқитувчи-нинг ўрни бениҳоя каттадир. Бу — адабий дид.

Маълумки, ўспирин ёшида ҳар бир инсон ҳиссиётга берилувчан, таъсирчан бўлади. Мана шу адабий дидни тарбиялашда нозик, шу билан бирга энг керакли давр ҳисобланади. Негаки, ўспирин ёшидаги ўғил ёки қиз китоб ўқир экан, унинг муаллифи аслида қандай ижодкор, зур шоир ёки адаби мөхим ўртамиёна.

Унинг учун ўқиётган асаридағи қизиқ ва юрагига таъсир этаётган воқеалар муҳим. Ҳолбуки, у аслида ўқувчининг дидини ўтмаслаштирадиган, саёз асар бўлиши ҳам мумкин. Энг ачинарлиси, китобхонликни энди бошлаётган бола ёки ўспирин учун келажакда ўша ўртамиёна ижодкор «идеал шоир ёки адаби» бўлиб хотирасида қолади. Шундай бўлиб қолмаслиги, ёшларда адабий дидни шакллантириш, уларни фақат энг сара ва нодир асарлар мутолаасига ўргатиш адабиёт фани ўқитувчисининг биринчи вазифаси бўлмоғи лозим.

Китобга мөхри қандайдир ҳаваскорлик даражасидан кўтарила олмаган шоирликка «номзод» қалам-

кашларнинг «оташин» шеърлари туфайли эмас, Алишер Навоий, Бобур, Оғаҳий, Чўлпон,Faafur Fулом, Абдулла Орипов, Эркин Вонхидов сингари забардаст шоирлар шеърлари туфайли ошган ўспирининг адабий диди камолга етади. Насрий асарларни танлаб ўқиш ҳам санъат ва бу санъат адабиёт муаллимининг ўқувчилар ўртасида олиб борадиган ташвиқот ишлари натижасида шаклланади.

**Фарида СУЛАЙМОНОВА,  
Республика  
иҳтинослаштирилган мусиқа  
ва санъат академик лицейи  
она тили ва адабиёт  
ўқитувчи**

## Дўстона суҳбатлар самара бермоқда

Ҳозирги кунда одам савдосининг олдини олиш, ана шу иллатга қарши ҳамжиҳатликда курашиш долзарб вазифага айланган. Айниқса, бу ишларда жамоатчилик ташкилотлари билан бирга, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва-киллари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Айтиш керакки, одам савдосига қарши биргалиқда курашиш ҳар бир инсоннинг ҳам фуқаролик, ҳам ватанпарварлик бурчидир. Шуни теран англаган ҳолда, туманимиз ёшлари ўртасида кенг

қамровли тарбибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, коллеж ва мактабларда, маҳаллаларда «Одам савдосига қарши биргалиқда курашиш — фуқаролик бурчимиз

бўлсин!» мавзууда давра суҳбатлари ўтказиляпти.

Айрим ёшлар ўзларининг ҳуқуқ ва бурчларини, қонун ҳужжатларида мазкур муаммо юзасидан белгилаб кўйилган норматив қоидаларни яхши билмайди. Шу туфайли баязан улар билиб-бilmай турли иллатларга дуч келишади. Одам савдосидан жабр кўрганлар орасида шундай ёшлар йўқ эмас.

Одам савдосига қарши

**Menga so'z bering**

курашиш мақсадида «Камолот» ЁИХ туман кенгаги ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигига мунтазам равишида давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар ташкил қилиниб, бу тадбирлар ижобий самара бермоқда. Тарбибот тадбирлари давомида намойиш этилаётган «Одам савдоси — давр муаммоси» номли фильм кўпчиликда қизиқиш ўйтояпти.

**Гулруҳ ҲОТАМОВА,  
Чиноз тумани 2-давлат  
нотариал идораси  
нотариуси**

### ЎЗБЕГИМ ТАДБИРКОРИ

Ўзбегим тадбиркори —  
Юртимнинг номус-ори,  
Қалбидан қуёш ёнган,  
Яратмоқлик шиори.

Карвон ўтар чўлидан,  
Буюк Итак йўлидан,  
Тоғни ҳам талқон қилар,  
Кўп иш келар қўлидан.

Катта ўйла чиққандир,  
Манзилга кўз тиккантир.  
Келажакнинг боғига  
Ўз ниҳолин экканdir.

Фикри тиниқ — зиёли,  
Янгилкода хаёли,  
Ҳаловати меҳнатдан,  
Ишлар эркак-аёли.

Дард кўрмасин қўлингиз,  
Ёруғ бўлсин йўлингиз,  
Ўзбегимнинг баҳтига  
Доим омон бўлингиз.

**Ашурали БОЙМУРОД,  
Тошкент вилояти**

### ЎЗБЕКИСТОНГ БЎЛАЙ

Озод юрти бўлсин ҳар кимнинг,  
Обод юрти бўлсин ҳар кимнинг,  
Баҳт-иқболи кулсин ҳар кимнинг,  
Иқболингдан сарафroz бўлай,

Ўзбекистон, ўғлонинг бўлай.  
Қадим элни қўчмиши истиқол,  
Қадим элга кулар истиқбол,  
Ҳар бир уйда тўқис баҳт-иқбол,

Байроғингдек қалқонинг бўлай,  
Ўзбекистон, ўғлонинг бўлай.  
Ҳеч кимдан кам бўлмасмиз, дея,  
Ҳасратуғам кўрмасмиз, дея,  
Қадр-қимматимсан, фурурим, дея,  
Ақл-идрок, виждонинг бўлай,

Ўзбекистон, ўғлонинг бўлай.  
Суюк бўлгин сен дунё ичра,  
Тоғдек юксал удуғ шон ичра,  
Енгилмас бўл, бу замон ичра,  
Курашларда полвонинг бўлай,

**Маъмур ЙЎЛДОШЕВ,  
Фарғона вилояти**



### Спортнинг фойдаси

Гавайи ороллари яқинидаги денгизда сайр қилаётган серфер кутилманга акула билан тўқнашиб кетди.

Ҳатто унинг хужумидан кутилманга акула билан тўқнашиб кетди. Аввалига уни дельфин деб ўйланган Жефф Хортон серфинг билан шуғулланаётганда, ёнида катта ҳайвоннинг сояси пайдо бўлади. Аввалига уни дельфин деб ўйланган Жефф унга эътибор бермайди. Бироз кузатиб, таъқиб қилиб келган йиртқич кутилмаганда боксчига ташланади. Сув ичидаги бошланган жангда боксчи бор кучи билан акулани ура бошлайди. Акула тишлаб олган серфер таҳтасини боксчи унинг кўзига ургандан сўнггина кўйиб юборади. Спортчи таҳтасини олиб дарҳол қирғоққа қайтиди. У деярли жароҳатланмаган.

### БИОЛОГЛАР КАШФИЁТИ

Буюк Британия ва Германия биолог олимлар гуруҳи қисқичбақанинг янги турини кашф этдилар.

Янги қисқичбақага нафақат заҳарли, балки дунёдаги энг кучли заҳарга эга мақоми берилди. У илмий «Speleonectes tulumensis» номини олди. Жонзор ремипедиялар (кўр қисқичбақалар) синфига мансуб бўлиб, озиқлашида ҳам ўз заҳаридан фойдаланади. Айни пайдада Кариб денгизи қирғоқларидан ҳамда Австралиядан топилган. Зах жойларда учрайди. Берилган маълумотларга қараганда, у ҳозирда сутэмизувчиларга тўқнаш келмаган. Бироқ қисқичбақа сувда яшовчи кичикроқ жоноворлардан исталганини заҳарлай олар экан.

### ЕТАКЧИЛИККА ДАЪВОГАР

БААда бўлиб ўтган «Nokia» тақдимотида корпорация ўзининг «Lumia 1520» ва «Lumia 1320» смартфонлари ҳамда «Nokia 2520» планшетини эълон қилди.

Смартфонлар дисплей олти дюм бўлиб, бугунги кунда энг катта телефон мақомини олди. Смартфонлар икки ва тўрт ядроли процесорга эга. «Microsoft» операцион система ишлайди. Телефонларнинг хотираси 32 гигабайтни ташкил этади. Планшет эса ўн дюмдан ошироқ бўлиб, у ҳам 32 гигабайт хотирага эга. Салкам саккиз мегапиксел камера билан жиҳозланган. Телефонлар 749 ва 399 доллар деб белгиланган бўлса, планшетга 499 доллар нарх белгиланди. Такдимотда корпорация телефонлар учун клавиатура ишлаб чиқаришини ҳам маълум қилди. Бу моделлар етакчи телефон ва планшет ишлаб чиқарувчи «Samsung» ва «Apple» компаниялари моделларини бозордан сиқиб чиқариши кутилмоқда.

### НОСОЗЛИК

#### ҚИММАТГА ТУШДИ

Мексиканинг шимолида жойлашган «Blueberry» қандолат фабрикасида портлаш юз берди.

Натижада қирқ нафар ишчи жароҳатланган, йигирма нафари бедарак йўқолган. Жароҳатланганлардан тўрт нафари оғир ахволда. Ҳукумат тарқатган маълумотга кўра, портлашга пеҷдаги носозлик сабаб бўлган. Фавқулодда вазиятлар хизмати ҳалок бўлганлар сони ошиши эҳтимоли борлигини таъкидлади.

**Интернет манбалари асосида  
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

Катталар дуога очиб қўлларин,  
Ҳар дам ёруғ бўлсин, деди ўйлари.  
Қайнота-қайнона хизматин қўлсин,  
Кўпайсин, дейшиди ўғил-қизлари.

Ийлар ўтиб, эгизак дунёга келди,  
Бири Алномишу бири Қалдирғоч.  
Элга ош берилди, бешик тўй бўлди,  
Бири тўлин ой-у, бириси қуёш.

Фарзандлар улғайиб зўр инсон бўлсин,  
Дунё, юртни кезиб ўзин кўрсатсин.  
Ўзбекистон байробин кўтарсан кўкка,  
Обод-фарониликка қўйсин ҳиссасин.

Энди ота-она роҳатин кўрсин,  
Алномиши, Қалдирғоч намуна бўлсин.  
Фарзандлар уларга энди тиргакдир,  
Шундай ўғил-қизлар юрга керакдир.

**Мамлакат КАРИМОВА,  
Жиззах вилояти**

## «ОБУНА – 2014»

Азиз төңгөшлар! Севимли «Turkiston» газетанинг сиз билан 2014 йилда ҳам ҳамсүхбат, ҳамроҳ бўлишини мақсад қилинган.

### «TURKISTON» САХИФАЛАРИДА:

«Камолот» худудида, мамлакатимизда, ёшлар ҳётида, бутун оламда рўй берадиган қизиқарли воқеалар тафсилоти, долзарб мавзудаги мақолалар, теша тегмаган гаплар, оригинал лавҳалар, ажабтовор фотоловчалар, «Шакарханда», «Бешинчи пар», «Амалиётчи», «Талаба», «Табиатнома» сингари сахифалар, «Ёш ихтирочи», «Сенинг тенгдошинг», «Санъат», «Спорт», «Меридиан бўйлаб», «Калейдоскоп» каби руқнлар.

### ЙИЛ ДАВОМИДА БИЗГА ЙЎЛДОШ БЎЛИНГ!

**ОБУНА ИНДЕКСИ: 203**

**ИМТИЁЗЛИ ОБУНА УЧУН – 3203**

(Изоҳ: камида 9 ойга обуна бўлганлар учун 25 фоиз чегирма мавжуд)



# Яхши ташаббуслар

Бу йил ангорлик ёшлар учун янгиликлар кўп бўлди. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида 9-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фойдаланишга топширилгани санъатсевар болалар учун бир хурсандчилик бўлса, «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказининг янгидан бунёд этилиши байрамга айланниб кетди.

Ангор туманида етмиш минг нафарга яқин ёш истиқомат қиласди. Уларнинг яхши таълим олиши ва бўш вақтни мазмунли ўтказиши учун шароитлар етарли. Туман ёшлари билан ишлашда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ангор тумани кенгашининг алоҳида ўрни бор.

— Бу ердаги ишимни режа тузиб, турли лойиҳа ва тадбирлар ўтказишдан бошладим, — дейди «Камолот» ЁИХ Ангор туман кенгаши раиси Бекзод Сувонов. — Ҳаракатнинг туман кенгашига фаол ва та-

шаббускор ёшларни тўпладик. Улар билан маслаҳатлашиб, ёшлар ўртасида мини футбол, карта, велопойга мусобақаларини ўтказдик. Мусобақалар ёшларда катта қизиқиши ўйғотди. Кейинроқ, санъатга қизиқувчи ёшлар учун «Ёш дуторчилар», «Ёш мўйқалам соҳиблари» танловларини ташкил этдик. «Огоҳлик, ҳушёрлик—дavr талаби» мавзуидаги тадбирларимиз орқали турли иллатлар ҳақида ёшлар орасида тушунтириш ишларини олиб бордик.

«Камолот» ЁИХнинг асо-

си кучи бошлангич ташкилотларда. БТларнинг иш фаолиятига қараб, Ҳаракатнинг туман кенгашига баҳо бериш мумкин. Бугун «Камолот» ЁИХ Ангор тумани кенгашида эллик тўрт нафар етакчи бўлиб, улар мунтазам равишда малака ошириб боришиди. Якинда тумандаги БТ етакчилари учун энг намунали етакчилар фаолиятига оид давра сухбати ўтказилди.

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларида бошлангич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» вазирилик ва Ҳаракат Марказий Кенгаши ўртасида кўшма қарорга мувофиқ мактаблардаги бошлангич ташкилотлар ишини янада яхшилашга эришиялти, — деб давом этади Бекзод Сувонов.— Ту-

мандаги касб-хунар колледжларида ҳам ахвол яхши. У ердаги етакчилар учун хоналар ажратилиб, барча шароитлар яратилган.

Маълумки, жорий йилнинг ноябр-декабр ойларида фуқаролар йигин раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди. Жойларда эса тайёргарлик ишлари қизғин кетмоқда. Бу жараёнда туман «Камолот»чилари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ҳаракатнинг туман кенгашида режалар бир олам. Улардан бири истеъоддли ёшларнинг спортга, санъатга бўлган қизиқишиларини ошириш, интилишларига кўмаклашиш, вояга етмаган ёшларни яхши йўлга бошлаш ҳамда хукуқбузарликларнинг олдини олишдир.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
«Turkiston» мухбири

1 savolga 1 javob

рўйхатдан ўтказишни сўраб ёзилган ариза, паспорт нусхаси, рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи тўлангани ҳақида квитанция, банкда ҳисораками бўлса, муҳр эскизи тақдим этилади. Ана шу ҳужжатлар асосида тадбиркорга гувоҳнома берилади.

Фуқаролар фақат якка бир ўзи ишласагина якка тартибдаги тадбиркор мақоми берилади. Бундан ташқари, туман солиқ бўлимларида фаолият турига қараб солиқ миқдори белгиланади.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА  
тайёрлади



Яқинда майший хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежини тутгадим. Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун қаерга мурожаат қилишим керак? Қандай ҳужжатлар талаб этилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ҳамидулла, Қиброй тумани.

**Саволга Тошкент шаҳар Ҳамза тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш бўлими бош мутахассиси Дилфузда Раҳматуллаева жавоб беради:**

— Мамлакатимизда жисмоний шахсларнинг ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратилган. Бунинг учун талабгор фуқаро ўзи истиқомат қиладиган туман ҳокимияти хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига мурожаат қилиши лозим. Бунда



### МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигига 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.



### Бош мұхаррір:

Ашурев Салим Тұраевич

### Таҳрір ҳайъаты:

Баҳодир Фаниев, Мехриздин Шукиров (бош мұхаррір ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош мұхаррір ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи мұхаррір:

Юсупов Рустам

Құчкорович

### Сахифаловчи:

Рұзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сахифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69

e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси боссахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчи, 41.

Индекслар: 203, 3203

Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-1043.

Адади — 8113

Босиша топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 02.40  
ЎЗА якуни — 02.35

Офсет усулида босилган.



## Дастлабки муваффақият

Польшанинг Вроцлав шаҳрида ўтказилётган оғир атлетика бўйича саксонинчи жаҳон чемпионатида терма жамоамиз вакили Улугбек Алимов бронза медалини қўлга киритди.

Спортчимиз 77 килограмм вазн тоифасида даст кўтаришда 158 килограмм, силтаб кўтаришда эса 197 килограмм натижага кайд этди. Умумий ҳисобда 355 килограмм натижага билан ҳамюртимиз учини ўринни эгаллади. Айни пайтда терма жамоамизнинг тўрт вакили Руслан Макаров (62 кг), Марина Сисоева (53 кг), Маҳлий Тогаева (48 кг) ва Манзурахон Мамасолиева (69 кг) кучли ўнликка кирган.

## Майдон кучлинику

Ўзбекистоннинг иккинчи тенисчи Фарруҳ Дўстов Россиянинг Қозон шаҳрида ўтказилаётган «Челленджер» турнирида яrim финалга ўлланмани қўлга киритди.

Спортчимиз чорак финалда молдовалик Раду Албот билан бирга нидерландиялик Антал Ван Дер Дюйм ва Бой Вестерхофни 3:6, 6:4, 10:6 ҳисобда мағлуб этди. Яrim финалда ҳамюртимиз қозоқ-украин спортчилари Андрей Голубев ва Александр Недовесовга қарши кортга тушади.

## Ёшларимиз фалабаси

Бирлашган Араб Амирликларида 17 ёшгача бўлган футболчилар ўтасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси Хорватия термаси устидан фалабага эришиди.

Фуҗайра шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда 2:1 ҳисоби қайд этилди. Энди жамоамиз нимчорак финалда Гондурас терма жамоасига қарши майдонга тушади.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,  
«Turkiston» мухбири

Инсон мазза қилиб кулганда, қаҳ-қаҳа отганда, ҳатто жилмайганда ҳам юрак иши яхшиланиб, қон юришар экан.

\*\*\*

Туя жуда ноёб жонивор. Чидамли, кучли, фойдали. Лекин уни чидамли экан, деб ҳеч қаҷон сувсиз ё емишсиз қолдириб бўлмайди. Акс ҳолда, у эгасини жуда ҳам қўйнаб қўйиши мумкин. Айниқса, сув масаласида. Маълум бўлишича, у қаттиқ чанқаганда бир симиришда нақ 250 литр сувни ичиб қўяр экан.

\*\*\*

Жаҳонда энг тез гапирадиган кишилар кимлар? Француздар. Эринмаган тадқиқотчилар француздарнинг бир дақиқада ўртача неча сўз айтишини хисоблашибди. Натижага ҳайратланарли. Улар сўзлашаётганда дақиқасига ўртача 350 та сўз қўллашар экан.

Баҳодир ХИКМАТОВ тайёрлади

### YON DAFTARCHANGIZGA

Баликнинг тириклиги сув билан,  
Одамнинг тириклиги одам билан.

Ўзбек ҳалқ мақоли